UHY Tashkent LLC
Audit and consulting

25 Amir Temur str., 7th floor
Tashkent, Uzbekistan

Tel +998 71 209 22 47
Fax +998 71 209 91 05
E-mail info@uhy-uz.com
Web www.uhy-uz.com

2020 йил " 24 " март № - 05 X

**Ижобий фикр билдирилган**
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**"Qo'shko'pir paxta tozalash" АЖ га**

| | |
|---|---|
| Аудиторлик ташкилотининг почта манзили: | Тошкент шахар А. Темур кўчаси 25-уй, info@uhy-uz.com |
| Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия номери: | № 00813. Ўз.Р АВ томонидан 12 апреля 2019 йилда берилган |
| Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома: | № 243. Ўз.Р АВ томонидан 31 мая 2004 йилда берилган |
| Банк реквизитлари: | Х/Р 20 208 000 704 336 155 001 АИКБ "Ипак йўли" Сагбон филиали. МФО 01036, ИНН 205 082 658, ОКЭД 69 202 |
| Аудиторлик ташкилоти рахбари: | Каримов Сарвархон Эсанович. |

Мен, "UHY Tashkent" Аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификатига эга) томонидан 2019 йил 20 авнустда тузилган 2020-5-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **"Qo'shko'pir paxta tozalash"** Аксиядорлик Жамиятининг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлилиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мукофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққоноийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Qo'shko'pir paxta tozalash"** АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текшируанни Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча **"Qo'shko'pir paxta tozalash"** АЖ нинг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботлари барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоной акс эттиради ва **"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"**ги қонун ҳужжатлари талабларига мувофик келади.

**Аудиторлик ташкилоти директори :** **Каримов С. Э.**

**Аудитор :** **Ибрагимов Х. Р.**